# Хабар

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 8 август № 32 (260) ● Сотувда нархи эркин


## САФАР МАЗМУНЛИ ЎТДИ

***Шу йилнинг июнь ойи охирларида Тошкент электротехника Алоқа институтининг бир гуруҳ ўқитувчи ва аспирантларидан иборат делегация Бельгия давлатида хизмат сафарида бўлиб қайтди. Мазкур сафар Европа Ҳамдўстлиги комиссиясининг ТАСИС дастурига кўра тузилган ТЕМПУС лойиҳаси асосида амалга оширилди. Ушбу лойиҳа Бельгия — Антверпен олий техника мактаби, Греция —- Патрас университети ва Ўзбекистон — Тошкент электротехника Алоқа институти ўртасида тузилган эди.***

***ТЕМПУС лойиҳаси 1997 йилдан бошлаб уч йил муддатга мўлжаллангандир. Сафар уюштирилгунга қадар шу лойиҳага асосан Бельгия ва Греция профессор-ўқитувчилари ҳамда алоқа мутахассислари ТЭАИ аспирантлари учун семинарлар, ўқув машғулотлари ўтказишди. Нархи салкам 40 минг АҚШ доллари бўлган замонавий алоқа воситалари институтда ўрнатилди ва ишга туширилди. Жорий йилнинг октябрь ойида эса мазкур алоқа жиҳозлари ИНТЕРНЕТ халқаро алоқа тармоғига уланади.***

***Лойиҳанинг навбатдаги босқичини амалга ошириш мақсадида, юқорида айтганимиздек, ТЭАИ делегацияси Бельгия давлатида бўлди. Бизга делегация раҳбари, Тошкент электротехника Алоқа институти проректори Юрий САЪДУЛЛАЕВ ва делегация раҳбари ўринбосари, ТЭАИ проректори Мажидулла ОРИПОВ сафар таассуротлари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб беришди:***

— Институтимиз ўқитувчи ва аспирантлари сафарнинг дастлабки куниданоқ ТЕМПУС лойиҳаси координатори жаноб, профессор Л. Питерс тайёрлаган дастурга мувофиқ Антверпен олий техника мактаби фаолияти билан танишди. Мазкур мактабда уч мингдан ортиқ талаба ўқийди, ўқитувчиларнинг сони минг нафарга яқин. Биргина телекоммуникация факультетида 200 га яқин талаба таҳсил олади, улар ҳар йили ўқиш учун қарийб 500 АҚШ доллари тўлайди. Бельгиянинг техника университетларида ўқитувчилар асосан ишга тайёрланиши билан биргаликда олти йил мобайнида докторлик диссертацияларини якунлашлари ёки мақола ва методик қўлланмалар чоп эттиришлари зарур бўлади. Фақат шундагина махсус комиссия томонидан ўқитувчиларнинг яна ишда қолишлари тасдиқланади.

Бельгияда ўқишга даъвогарлар олий ўқув юртларига пуллик контракт асосида қабул қилинади. Бунда фақат фанларни ўзлаштирган, лаёқатли талабаларгина ўқишни тугаллашга муваффақ бўлади. У ерда ўқишни юқори босқичларда давом эттириш учун муҳандисликка номзодларни танлаб олиш тажрибаси бизни қизиқтириб қўйди.

Антверпен олий техника мактабининг алоқа тажрибахоналарида ҳам бўлиб у ердаги замонавий рақамли ўлчов асбоблари, умуман барча техник жиҳозлар, ўқитиш усуллари билан яқиндан танишдик. Мазкур мактабнинг физика факультети қошида Халқаро микроэлектроника маркази (IMEC) фаолият кўрсатар экан. Марказ илмий тадқиқот ишларини жаҳонга машҳур телекоммуникация компаниялари — Алкатель-Белл Сименслар билан биргаликда олиб боради. Бу изланишлар кейинги 10-15 йилда пайдо бўладиган алоқа тизими учун замин бўлади. Биз марказда СуперКИС ва бошқа жиҳозларнинг носозликларини бир миллион марта катталаштирувчи микроскоп ёрдамида аниқлаш жараёнларини кузатдик. Ушбу макраз, шунингдек, турли фирмалар буюртмаси бўйича масалан, замонавий микроэлектроника элементларининг сифатини, пайвандланган уламаларнинг мустаҳкамлигини янада ошириш каби йўналишларда ҳам илмий ишлар олиб боради.

Бельгиянинг энг қадимий олий ўқув юртларидан бири Лёвен университетида ўқиш муддати 4 йилдан 7 йилгача экан. Бу ерда диссертация ёзиш учун тўрт йилга контракт тузилади. Шунга мувофиқ аспирантнинг 150 қисмдан иборат жавоб тайёрлаши лозим бўлади. Диссертация муваффақиятли топширилгандан сўнг унга доктор унвони берилади.

Лойиҳа дастурига асосан делегациямиз йирик Алкатель, Белгаком, Сименс компаниялари фаолияти, уларнинг баъзи бир алоқа жиҳозлари билан таништирилди. Алкатель фирмасининг 1000 S12 коммутацион тизимини кўздан кечирдик. Бу тизимни йиғиш, созлаш ва тест асосида ишлаш қобилиятини текшириш жараёнлари ўқитувчи ва аспирантларимизда катта қизиқиш уйғотди. Бельгиянинг Белгаком телекоммуникация компаниясининг йиллик даромади салкам 1 миллиард долларни ташкил этар экан. Компаниянинг умумий мижозлари сони — 4,7 миллион, кўчма алоқа хизмати мижозлари 0,4 миллион, пейжинг хизмати мижозлари эса 0,25 миллион нафардан иборатдир. Фирма ўқитиш ва кадрлар тайёрлаш учун йилига 40 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфлайди. Компания абонентни улаш ва хизмат кўрсатишни кенгайтиришга 5 кун вақт ажратади, носозликларни бартараф этиш муддати 2 кундан ортмайди. Белгаком шунингдек, мультимедиада ишлаш шароитини кенгайтириш, алоқа тармоғини назорат этиб бориш, технология жараёнини бошқариш каби ишлар билан шуғулланади.

Бельгиядаги Сименс фирмаси марказида эса делегация учун GSM ва интеллектуал тармоғи намойиш этилди. Бунда GSM тизимидаги АТМ, мультимедиа, SDN ва бошқа тизимларга ўтиш усуллари кўрсатилди. Дастурга биноан, шунингдек, Бельгия кабел телевидениеси фаолияти ва Антверпен шимолий портида НАТО штаб-квартирасидаги алоқа маълумот тизими, ИНТЕРНЕТ алоқа тармоғи ахборот узатиш ва қабул қилиш жараёнлари билан танишдик. Сафар давомида дам олиш кунлари Бельгиянинг қадимий Брюгге ва Гент шаҳарлари, Франциянинг пойтахти Парижга саёҳатлар уюштирилди. Сафар якунида ТАСИС-ТЕМПУС лойиҳасига асосан барча қатнашчиларга расмий сертификат топширилди. Бундан ташқари Алкатель-Белл ва Тошкент электротехника Алоқа институти билан келгусида ижодий ишлар қилиш тўғрисидаги ҳамкорлик шартномаси ҳам тузилди. Шунга кўра келажакда аспирантларимизни узоқ муддатли хизмат сафарига юбориш ва ҳамкорликда илмий ишлар олиб бориш ҳақида ҳам келишиб олинди.

***Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди***

## УЗОҚ ЯҚИН БЎЛДИ

Сариосиё — Сурхондарё вилоятининг энг шимолидаги тумани ҳисобланади. Мамлакатимиз марказидан жуда узоқ бўлган мазкур туманда жаҳонга машҳур «Моторола» фирмасининг радиотелефонлари ишлай бошлади. Ҳозирча симсиз алоқанинг бу ажойиб қулайликларидан 15 нафар мижоз фойдаланиб келмоқда.

Сариосиё тумани электралоқа боғламасининг бошлиғи Бўрибой Жаъфаровнинг айтишига қараганда алоқа хизматининг бу ноёб усулидан фойдаланувчилар сони яна 35 нафарга кўпаяди.

***Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ, Сурхондарё вилояти***



*Галаосиё тумани электралоқа боғламасининг бош муҳандиси Бешим РАЖАБОВ ва АТС муҳандиси Гулчеҳра МУРОДОВА туман маркази билан Бухоро шаҳри оралиғидаги электралоқани таъминловчи жиҳозларни назорат қилишмоқда.*

*Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ*

● **Матбуотда «Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг таркибини ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

● Тошкентда Ўзбекистон адвокатлар ассоциациясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Унда ассоциациянинг янги Низоми ва бошқа меъёрий ҳужжатлари тасдиқланди, раҳбар органлари сайланди.

● **Миллий Олимпия қўмитасида Хитой Олимпия қўмитаси делегацияси билан учрашувда олимпия ҳаракатини, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**•Янгиликлар•Воқеалар•Хабарлар**

● Жакартадаги Мардек Президент саройида Ўзбекистон Республикасининг Индонезия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Равшан Раҳматуллаев Президент Сухартога ишонч ёрлиғини топширди.

● **Белоруссияда чегарадан ноқонуний ўтиш айби билан ҳибсга олинган Россия жамоатчилик телевидениеси мухбирларидан бири — тележурналист Павел Теремет агар Белоруссия маъмурлари уни озод этмасалар, очлик эълон қилишини билдирди.**

● Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг АҚШга ташрифи ниҳоясига етди. Унинг АҚШ Президенти Билл Клинтон билан музокараларида асосан Каспий денгизида нефть қазиб олишда ҳамкорлик қилиш ҳамда Тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди.

● **НАТО ҳамда Европа Иттифоқи тошқиндан зарар кўрган Польша, Германия ва Чехия давлатларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга қарор қилди. Ушбу тадбир доирасида Германия учун 1,7 миллион ЭКЮ, Польша ва Чехия учун эса 2 миллион ЭКЮ микдорида маблағ ажратилди.**

● АҚШ конгресси 1998 молия йили учун мудофаа мақсадларига 248 миллиард доллар ажратилиши тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади.

● **«Трансферити интернэшнл» мустақил ташкилоти маълумотларига кўра амалий доираларда коррупциянинг авж олиши бўйича Негерия жаҳонда биринчи ўринни эгаллар экан. Бу рўйхатда Боливия иккинчи, Колумбия учинчи, Россия эса тўртинчи ўринда турибди.**

*• Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига*

# АЛОҚАЧИЛАР ҲИССАСИ

***Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу хайрли ишга алоқачилар қандай улуш қўшмоқдалар? Мухбиримиз Бухоро шаҳар электралоқа боғламасининг бош муҳандиси Ҳ. Р. ҚОРЁҒДИЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.***



**— Ҳамро Рўзиевич, шаҳарнинг яқинлашиб келаётган 2500 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш борасида алоқа хизматининг ўрни ва алоқачиларнинг вазифалари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Дарҳақиқат, ушбу тўйни муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шаҳар ҳокимлигининг раҳбарлигида тадбирлар ишлаб чиқилган, режалар белгиланган ва шаҳар хўжалигининг ҳар бир соҳаси олдига аниқ вазифалар қўйилган. Биз шунга кўра Когон автомобиль йўлида, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулла Набиев, Иброҳим Мўминов номли кўчаларда, Бухоронинг эски шаҳар қисмида, хусусан Масжиди Калон атрофидаги симёғочларни олиб ташлаб, ер ости кабелларни ётқиздик. Кўчаларда таъмирлаш ишлари олиб борилиши, баъзи кўчаларнинг кенгайтирилиши сабабли телефон канализацияси ва кабелларини ҳам кўчиришга тўғри келди. Режадаги ишлар якунланиб қолди. Энг муҳими — бу ишларнинг ҳаммасини ўз кучимиз билан бажардик ва Бухоронинг кўркига кўрк қўшилиб, гўзаллашиб бораётганидан, унинг 2500 йиллик тўйига камтарона тўёнамиз билан қатнашаётганимиздан хурсандмиз.

Бухоро ўзининг шарқдаги тутган ўрни, бой тарихи, бетакрор обидалари билан ҳамма вақт ҳам жаҳон жамоатчилигининг эътиборини тортиб келган. Юбилей тантаналарига дунёнинг турли бурчакларидан жуда кўплаб расмий вакиллар, меҳмонлар, сайёҳлар келиши ва улар алоқа хизматидан фойдаланишлари табиий. Зеро, алоқа хизматисиз нафақат бундай йирик анжуманларни, балки ҳар қандай шаҳарнинг оддий бир кунини ҳам тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам барча имкониятларимизни ишга солиб, тармоғимиздаги электралоқа мажмуининг бенуқсон ишлашини таъминлаш асосий вазифаларимиздан биридир.

**— Кўчалардаги тақсимловчи шкафларнинг ташқи кўриниши ҳавас қилса арзигулик ҳолатда экан. Бу ҳам юбилей муносабати биланми?**

— Шкафлар ҳолатига юбилейнинг алоқаси йўқ. Биз шкафларимизни доимо яхши сақлашга ҳаракат қиламиз. Гап фақат уларнинг ташқи кўринишидагина эмас, албатта, балки умумий техник ҳолатининг талаб даражасида эканлигида. Фақат шаҳар марказидагиларгина эмас, балки ҳамма шкафларимиз ҳам бирдек. Бу нарсага кейинги йилларда Бухорога келган баъзи ҳамкасбларимиз ҳам эътибор беришган экан. Уларнинг баъзилари тақсимловчи шкафларни видеотасвирларга ҳам тушириб кетишди.

**— Телефон тармоғининг бугунги ва эртанги куни ҳақида ҳам қисқача сўзлаб берсангиз.**

— Ҳозирги кунда АТСларимизнинг умумий сиғими 47000 бўлиб, 38000 абонентимиз бор. Декадали одимлаб ишловчи 23,24 ва 25-АТСларимиз жиҳозларини ўтган йили ДЭУ фирмаси билан ҳамкорликда рақамли АТСларга алмаштирдик ва улардан 1996 йилнинг 1 сентябридан бошлаб фойдаланиб келмоқдамиз. Қолган 22, 26-АТСларимиз эса координат тизимидаги АТСлар бўлиб, яқинда Япония фирмалари билан тузилган шартномага кўра келгуси йилнинг охиригача рақамли жиҳозларга алмаштирилади. АТСларимиз хизмат кўрсатаётган ҳудудларда телефон алоқасига бўлган талаб ва шароитни ҳисобга олган ҳолда бир йўла АТС сиғимини ошириш ҳам кўзда тутилган. Масалан, 22-АТСни 10000 рақамлик қилиш, 26-АТСни ҳозирча 7000, кейинчалик 10000 рақамга кенгайтириш бўйича лойиҳа ишлари олиб борилмоқда. Шартномага биноан 1 августдан бошлаб кабел маҳсулотлари, тўрт ой ичида эса станция жиҳозлари келиши керак.

Шаҳар марказида, унинг эски шаҳар қисмида телефон ўрнатиш борасида ҳеч қандай муаммолар йўқ, лекин шаҳар кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Шу боис янги қурилаётган кўп қаватли ва хусусий тарзда қурилаётган янги турар-жой даҳаларида телефон ўрнатиш борасида бироз муаммолар бор. Шу муаммоларни бартараф этиш мақсадида Моҳи Хосса, Геофизика, Трикотаж даҳаларида ҳар бири 2000 абонентга мўлжалланган, шаҳар телефон тармоғи таркибига кирувчи АТСлар қуриш режалаштирилган.

Шаҳарлараро телефон станциясида ҳам ана шу шартнома асосида жиҳозлар алмаштирилиб, телефон каналларининг сони 5 баробарга ортади. Ўтган йили АТСларимизда «ДЭУ» фирмаси жиҳозларининг ўрнатилиши муносабати билан барча магистрал кабелларимизни таъмирладик ва кичик ҳалқа ҳам ишга туширилиб, станциялараро алоқани таъминлашда шиша толали кабеллардан фойдалана бошладик. Тўғри, ишимизда ҳар хил муаммолар йўқ эмас. Уларни аввало ўз кучимиз билан, қолаверса, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, «Ўзмаҳаллийтелеком» давлат электралоқа бирлашмаси ва шаҳар ҳокимияти ёрдамида ҳал қилиб келаяпмиз.

***Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ** суҳбатлашди,*
***Бухоро вилояти***

# ЖОНКЎЯР ПОЧТАЧИ

***Тошкент тумани, Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжалигида Эргаш ака Алимхўжаевни танимайдиган одам йўқ. У «Дархон» почта алоқа бўлимида қарийб 20 йилдан бери почтачилик қилиб, эл хизматида бўлиб келмоқда. Ўз касбининг фидойиси, серғайрат, меҳнатсевар бу почтачини маҳалла аҳли ҳурмат қилади.***

Эргаш ака Алимхўжаев ёзнинг жазирама иссиғи-ю, қишнинг қаҳратон кунларида ҳам обуначиларга хат-хабарлар, газета-журналлар, шошилинчномалар, нафақа пулларини ўз вақтида етказиб беради.

— Почтачилик енгил касб бўлиб кўринса-да, бу касбнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор, — дейди биз билан суҳбатда почтачи.— Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ўз вазифамизни бажаришимиз, одамлар кўнглига йўл топиб, республикамизда рўй бераётган янгиликлардан хабардор қилишимиз, одамларда матбуотга қизиқиш уйғотишимиз керак бўлади.

Эргаш аканинг ҳам ўзига яраша муаммолари, орзу-ўйлари бор. У гап орасида қўшни Ҳасанбой ака хўжалигидаги почтачилар от билан таъминланганлигини, от почтачининг оғирини енгил, узоғини яқин қилишини таъкидларкан, ўзига ҳам шундай от ёки велосипед берилишини хоҳлайди. Жонкуяр почтачини обуначиларнинг камайиб кетаётганлиги ташвишга солади.

Эргаш ака олти ўғил, бир қизнинг отаси. У ўз фарзандларида ҳам алоқачилик касбига қизиқиш уйғота олган. Катта ўғли Турсунбой Ҳамза телефон тармоғида электромантёр бўлиб ишламоқда.

Қишлоқ кўчалари бўйлаб газета-журналлар, хат-хабарлар солинган халтасини кўтариб, ана, бизнинг почтачимиз кетиб бораяпти. Ҳозиргина аскар ўғлидан хат олган онанинг севинчи, кекса отахону-онахонларнинг дуога қўл очганини Эргаш ака хаёлидан бирма-бир ўтказаркан, чарчоғини ҳам унутди, ўз меҳнатидан завқланди. Шундай завқланиш ҳисси Сизни асло тарк этмасин, Эргаш ака!

***Мунира ЖАББОРОВА***

Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение бирлашмасининг Тошкент радиомаркази жамоаси корхона муҳандиси, меҳнат фахрийси
**Юрий Иванович ШАТАЛИН**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

# МУВАФФАҚИЯТНИНГ СИРИ АҲИЛЛИКДА

Учкўприк туман почта алоқа боғламасининг Жўрахон Қодирова бошчилигидаги Саланг алоқа бўлими тўққизта қишлоқ, 2 та болалар боғчаси ва 3 та ташкилотга хизмат кўрсатади. Бўлимда жамоа аъзолари аҳилликда ишлагани учун ҳам режалар доимо бажарилаяпти. Шу йилнинг биринчи чорагида даромад 53 минг ўрнига 70 минг сўмга, аҳолига кўрсатилган хизмат режаси 0,7 минг сўм ўрнига 1,2 минг сўмга адо қилинди. Рентабеллик эса 41 фоизни ташкил этди. Йилнинг биринчи ярим йиллиги режалари ҳам барча соҳалар бўйича орттириб бажарилди.

Саланг қишлоқ алоқа бўлими бошлиғи Жўрахон Қодирова биз билан суҳбатда бундай дейди:

— 571 нафар нафақачига почтачиларимиз нафақа пули билан бир қаторда хат-хабарлар, газета-журналларни етказиб берадилар. Инсон манфаатлари йилида меҳнаткашларга нафимиз қанчалик кўп тегса, биз шунча кўп қувонамиз.

***Қаюмжон ТУРСУНОВ,***
*Фарғона вилояти*


# ЭЪЛОН

**«ХАБАР» кичик корхонаси Тошкентдаги омбордан КАРТ-П русумидаги радиоузайтиргичларни (радиоудлинитель, Белоруссия маҳсулоти) сотади ва мижозлар хоҳишига кўра ўрнатади ҳамда техник хизмат кўрсатади. Кафолати бир йил.**

**Боғланиш учун телефонлар:**
(371) 116-63-71;
(37193) 52-6-53.


# МЕҲНАТ ЕТКАЗАР МУРОДГА...

Ҳаётда ўзининг камтарона, ҳалол меҳнати билан эл-юрт, ҳамкасблари ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган инсонлар оз эмас. Ана шундай инсонлардан бири — Пойариқ туманидаги Гулистон алоқа бўлими бошлиғи Турон ака Примовдир.

Турон ака 1962 йили алоқа бўлимида иш фаолиятини оддий хабарчиликдан бошлади. Ўз малакасини доимо ошириб борган Турон ака алоқачилар ўртасида ҳурмат қозонди. Тошкент Алоқа коллежида ишдан ажралмаган ҳолда ўқиди. У туман алоқа боғламаси раҳбарлари назарига тушди. 1965 йили алоқа бўлимига бошлиқ этиб тайинланди.

Турон ака 610 нафар нафақачи, 110 нафар кўп болали оналарга нафақа пулларини тарқатади. Аҳолидан газ, электр, радио-нуқта, телефон ҳақи ва бошқа тўлов пулларини шартнома асосида йиғмоқда. Турон акадан нега айнан алоқачилик касбини танладингиз деб сўрасангиз: «Алоқачилик шарафли касбдир. Бу касб эгаси ширинсухан, ҳалол, покиза инсон бўлиши керак. Чунки халқнинг миллионлаб пули алоқачилар қўлидан ўтади. Бунга хиёнат қилган одам барака топмайди. Почтачилик ҳалолликни яхши кўради. Шунинг учун ҳам, шу касбни танлаганман» дейди.

Турон аканинг алоқа соҳасида ишлаётганига 35 йил бўлди. Яқинда у киши 58 ёшга тўлди. Биз ҳамкасблар жонкуяр алоқачимизни ана шу саналар билан қизғин қутлаймиз.

***Р. ДЎСТЁРОВ,***
***Пойариқ туман почта алоқа боғламаси бошлиғи,***
***Самарқанд вилояти***

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

***Қашқадарё вилояти давлат почта алоқа корхонаси жамоаси Касби тумани почта алоқа боғламаси бошлиғи Икром САЙФУЛЛАЕВни 60 ёши ва алоқа соҳасида иш бошлаганлигининг 40 йиллиги билан чин дилдан қутлайди. Унга мустаҳкам соғлик, узоқ умр тилайди.***

* * *

***Сурхондарё вилояти давлат почта алоқа корхонаси ҳамда вилоят давлат электралоқа корхонаси жамоалари Термиз шаҳар шаҳарлараро телефон станциясининг бошлиғи Зулхумор Ҳайитбоевна БОБОЖОНОВАни 40 ёши билан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, алоқа соҳасидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.***

# ЯШАШ ИСТАГИ

Қаёқдандир чанг-тўзон билан ёпирилиб келган кучли шамол олма шохига шикаст етказди. У ўзидаги бир неча меваси билан қўшни шохларга осилиб қолди. Буни кўрган боғбон қўлидаги пўлат қайчисида шохни пишмаган олмаполмаси билан шартта кесиб ташламоқчи бўлди. Негадир кўзи қиймади. Унинг хаёлига: «Бу олмалар ҳам кимнингдир насибаси бўлса керак» деган фикр келди. У шаштидан қайтди. Осилиб қолган олма шохини оҳиста кўтариб, ўз ҳолига келтиргач, яхшилаб боғлаб қўйди.

Кунлар бирин-кетин ўтди. Олмалар ҳам етилиб пишди. Ер билан битта бўлиб тўкилди. Боғбон олма дарахтидаги шикастланган қисми боғлиқ шохга нигоҳ ташлади. У шохдаги боғични секин ечиб олди. Шохнинг шикастланган бўлаги битиб кетган эди. Ундаги олмалар эса одам боласининг завқини келтириб, қирмизи рангда қиёмига етибди. Боғбон шохдаги олмаларга қўл узатиб бир донасини олган эди, қолганлари ҳам дув этиб ерга тўкилди. У ердаги олмаларни битта-битта териб олди.

Боғбон яшаш истаги билан тўлиб-тошган ўша шохга қараб, кўнгли тоғдек кўтарилди. Қўлидаги чиройли олмалардан кўз узолмай, чеҳраси қуёшдек яшнаб кетди.

*Эркин ҚОДИРОВ*



# ДИЛДАГИ ГАПЛАР

- Бировдан кўнглинг қолса, уни ўрнига тушириш учун бир умр ҳам камлик қилади.
- Борлиқни кучаман деб асло чиранма, зеро, бунга ҳеч ким эриша олмаган.
- Ҳаётдаги бисёр неъматлардан бот-бот тийилишга тўғри келади.
- Ҳаёт ҳам тун ва кун каби нуру соядан иборат.
- Меъёрни билган асло адашмайди.
- Бировни алдаш мумкиндир, аммо ўзингни-чи?
- Бировга баҳо беришдан олдин ўзингни ойнада кўр.
- Ўзгалар боласига ҳам ўз фарзандингдек муомалада бўл.
- Болангни тийишдан олдин ўз хатти-ҳаракатингга разм сол.
- Фарзанд одобини ҳеч кимга ишониб бўлмайди.
- Ёмон қилиқдан тийилишдан кўра унга ружу қўйиш осонроқдир.
- Ҳадеб андиша қилиш ҳам яхшиликка олиб келмайди.
- Болани бўлар-бўлмасга терғаш ҳам уни эътиборсиз қилиб қўяди.
- Инсон дардининг шифоси — яхши сўз ва самимий муомала эканлиги доимо ёдингда бўлсин.

*Ислом УСМОНОВ*

*Абу Лайс ас-САМАРҚАНДИЙ*

# ИЛМ ЎРГАНИШ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

Аллоҳнинг ердаги элчиси Расулуллоҳ айтмишларки, илм ўрганиш ҳар бир мўмин ва муслима учун фарздур. Илм толиби учун борлиқ мавжудот, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам (ўз) гуноҳларини сўраб истиғфор айлайдилар.

Илм ибодатдан афзалдур, чунки у динни тутиб турувчидир.

Билим олмоқ икки тоифага бўлинур, яъни: бири қалбан илмга ташналикдур, бу фойдали илмдур. Бундай илм киши ҳаётини то абад нурафшон қиладур. Иккинчи хилдаги илм эса фақат тилдагидур (яъни ўзини билағон қилиб кўрсатишдур) бу тоифадаги толиблар Тангри ҳузурида банда (қул) бўлмоқликка далилдур...

Ҳикоят:

Сангзор даҳасида яшовчи бир савдогарнинг икки хизматкори бор эди. Бири кўпроқ маош оларди, иккинчиси озроқ. Иккинчиси биринчисига ҳасад қилар, доим туҳмат тошини отарди.

Бир куни савдогар иккинчи хизматкорини саволга тутди:

— Нечун Солиҳга ғайри кўз ила қарарсан?

Хизматкор турмушидан нолиб маоши озлигига писанда қилди:

— Андин кўп юмушни бажарурман, лекин олар маошим оз!

— Яхши, — деди савдогар ўйланиб, — бир вазифа юклармен. Ани кўнгилдагидек бажарсанг, маошингни ўн ҳисса оширурмен.

Иккинчи хизматкорнинг юзига қизиллик югурибди:

— Буюринг.

— Карвонсаройга бор-чи, қайси элдан савдогарлар келибдур.

— Хизматкор Сангзор карвонсаройига бориб, тезда қайтибди:

— Бугун тонгда Чин элидан савдогарлар келибдур.

— Қандай моллар келтирибдилар? — деб сўрабди савдогар.

Хизматкор ичида: «Э аттанг, шунисини сўрамабмен», дея яна карвонсаройга шошилибди. Ва яна тезда қайтиб:

— Шойи газмоллар келтирибдилар.

— Нархи қандай экан... Қандай матоларга алмашиш ниятидалар? — дея яна саволга тутибди.

Шу тариқа хизматкор бир эмас, бир неча марта карвонсаройга борибди, бироқ хўжайинига қониқарли жавоб келтирмабди.

Кунлар ўтибди. Самарқанди азимга яна турли эллардан савдогарлар келадиган вақтда савдогар икки хизматкорини ёнига чақирибди ва биринчи хизматкорига: «Бор карвонсаройга бориб, шароитни билиб кел, сўнг ҳузуримга иккингиз бирга киринггиз» дея буюрибди.

Маоши катта хизматкор тезда қайтиб келибди. Иккиси яна хожалари ёнига киришибди.

Биринчи хизматкор борки тафсилотни, неча элдан неча карвон келганини, неча туя мол борлигини, нархи қандайлигини ва сифатини оқизмай-томизмай сўзлабди. Шунда савдогар иккинчи хизматкорга қараб:

— Энди нега бунинг маоши катталигини ва доим иззат-икромда эканлигини англагандурсан? — деб сўрабди.

Иккинчи хизматкор жавоб бермабди.

Савдогар:

— Ёшлигингда илм олмоқликка қунт қилмадинг. Қобилиятинг дуруст эрса-да, дангасалик қилдинг... Энди ҳавоюҳаснинг ҳукмига итоат этмоқдан ўзга чора йўқ, — дебди.

Эй ўғил, ёшлигингда отанг илм олмоқ учун яратган шароитдан кўз юмма! Илм бир чироқдурким, сени роҳат ва фароғат салтанатига ҳеч бир заҳматсиз етказади.

Эй, фарзанд, илм олмоқнинг фазилатлари кўпдурким, ҳаётинг фароғатда, юриш-туришинг ҳурмат ва иззатда бўлур.

# САФАРБАРЛИК

*• Ҳажвия*

Хўжайинимиз Сайфи Сатторович пулларини йўқотиб қўйдилар. Бу кўнгилсизликни бартараф этиш мақсадида зудликда йиғилиш чақирилиб, директор муовини Турди Туропович бошчилигида бўлим бошлиқларидан иборат фавқулодда комиссия тузилди.

— Ҳаммамизга маълумки, — деб гап бошлади Турди Туропович томоқ қириб, — эртага Сайфи Сатторович меҳнат таътилига чиқадилар. Байрамона кайфиятда юрган бир пайтда пулларини йўқотиб қўйганлари нафақат у кишини, балки бизларнинг ҳам ҳаловатимизни ўғирлаб қўйди. Олдимизда ўта масъулиятли вазифа кўндаланг турибди, у ҳам бўлса, йўқолган пулни жуда қисқа вақт ичида топиб, эгасига топшириш!

«Пул йўқолган объект маълумми? Агар маълум бўлса тахминий координаталари айтилса айни муддао бўларди» ишлаб чиқариш бўлими мудири Йўлматовнинг саволи шу бўлди.

— Жуда тўғри савол, — тасдиқлади комиссия раиси. — Ҳисоб-китоб бўлимининг бу саволга ўз жавоби борга ўхшайди. Сўз сизга, ўртоқ Фая опа.

— Биз, ҳар йилгидай биринчи очиритда ҳисоб-китоб ҳужжатлари орасини қараб чиқамиз, — деди катта ҳисобчи Фая Файзулина. — Но, иқтисод ва режалаштириш бўлимлари бизга ёрдамлашса...

— Биз ҳам, шу жумладан бўлим бошлиқлари ҳам қўл қовуштириб турмаймиз. Кўпга келган тўй, — деди Турди Туропович. — Ҳиссамизни қўшамиз! Бошқа саволлар бўлмаса, зудлик билан ишга киришайлик... Бир минутга. Ўртоқлар, ишнинг бориши тўғрисида ҳар икки соатда йиғилишиб, бир-биримизга маълумот бериб турайлик. Бу иш унумдорлигини оширади...

Орадан икки соатча вақт ўтгач, фавқулодда комиссия аъзолари яна йиғилишди.

— Нима бўляпти? — деди Турди Туропович. — Натижа борми?

— Қидиряпмиз! — деди ҳисоб-китоб бўлими мудири.

— Ярмини топдик, — деди режалаштириш бўлими мудири.

— Биз ўз қароримизни чиқариб қўйдик, — деди касаба уюшма раиси.

— Эрта эрталабгача топишга ҳаракат қиламиз, — деди ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи.

Бунақа комиссияга биринчи бор киритилган хўжалик ишлари бўйича директор муовини Сангин Тошевич қўл кўтарди.

— Кечирасизлар, ҳалитдан бери бир нарсага ақлим етмайроқ турибди, — деди талмовсираб. — Йўқолган пулнинг миқдори айтилмади-ку! Минг сўмми, икки мингми... қанча?

— Тўғри, хато биздан ўтган, — деди комиссия раиси ўрнидан туриб. — Орамизда янгилар борлигини била-кўра туриб масалага ойдинлик киритмаганмиз. Ўртоқ Сангин Тошевич, биз ҳам тўғриси, йўқолган пулнинг миқдорини аниқ билмаймиз,. Таваккал қиляпмиз. Бошқалар ҳам ўзига қарасин, ким қанча топса шуни олиб келаверсин! Бу кўп, бу кам деб ўтирмаймиз. Шароитни ҳаммамиз кўриб турибмиз... Яна саволлар туғилиб қолса, кейинги йиғилишимизда бафуржа ҳал қиламиз... Қани, бўлмаса ишни пайсалга солмасдан, чаққон-чаққон ҳаракатларингизни қилинглар...

*Илҳом ЗОЙИР*

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир ўринбосари: Иззат АҲМЕДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Шодмон ОТАБЕК (Бош муҳаррир)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0553. 9666 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

